



Тиёншон(“Самовий тоғ” (хитойча) демаклир, асл оти Тангри тоғдир.) тоғи аро яйловдур
Юлдуз,
Тоғ ичинда йўк, бундайин текис-туз.
Эгизлиги денгиздин тўрт-беш минг,
Шу ерда бокилур, йилки-куй туман-юз минг.

Юлдуз яйлови Ўрта Осиёда энг чўнг яйловдандир. Или дарёсининг кун чикиш бошида уч орол бор: бири - Текас, бири - Кунас, бири - Кош. У мана шул катта уч ўзаннинг кун чикиш томонига жойлашган бўлиб, Гулжадан шаркка караб от юриши билан олти кунда мазкур томонлардан борса бўлур. Кунасдаги Кўйошув, Тойошувлардан ошиб, Чопку яйловига тушадур. Бу ерлар козок яйловлари бўлиб, бунда Коракўл, Догут, Адингир, Нарати деган катта ошувлар бор. Шуларнинг хар биридан ошиб Юлдузга тушиш мумкиндур. Текасдан - Оғёз, Кўксув билан, Кошдан эса Эран кобирга билан ошадур. Юлдуз деган сўз бу яйловнинг баландлигини билдиради. Чунки доvonлардан ошиб Юлдузга борганингизда на карагай, на арча ва на бошка дарахтларни кўрасиз. Бу ер бамисоли теп-текис, бепоён супа. Чўпи бир хил, такир, тигиз чочгаўхшаш юмур ўт. Козоклар “тўнгиз сирти” дер эканлар. Адирларида бетага хам бор. У шунча жонлики, устига кигиз солиб канча кун ўлтирсангиз хам, ётиб колмай, яна тура келар экан. Умуман ўти жуда кучли. Биз бориб беш-олти кундан кейинок отларимиз яхши бўлиб ўзгариб колди.
- Ўтинлари йилки билан молнинг тезаги бўлиб, уларнинг куриши икки-уч соат бўлиб, шундан кейин ёкилаверар экан. Хавоси жуда сийрак бўлиб, текисликда кўринган ўтов уйга от юриши билан бир кунга якин бориб етасиз. Юлдузда гуруч ош яхши пишмайдур. Чунки сув тез, яъни юз градусда етмай кайнайдур.

Бу текисликларда катта-кичик кўлчалар анча кўп. Уларда оккув, гоз, ўрдаклар нихояти сероб. Баликлар ҳам сувларида мўл кўринди. Буларни овлаш калмоқлар учун гуноҳ экан. Хусусан, оккувни ўлдириш катта гуноҳ хисобланар экан. Шунинг учун ҳам булар кўпайиб кетган бўлса керак. Бу ерларга кириб бориш учун махаллий кишилар йўл бошламаса, бошқалар боткокка ботиб, халок бўлар экан. Кичик-кичик дўнгликлар кўп бўлиб, ердан кўтарилиб турадур. Бу ернинг йилкилари мазкур дўнгликларни босиб, ўз йўлларини шулар орасидан топиб юриб, натижада бошка ернинг йилкисидан “бўри юриш” деган ўзига хос юриш тарзи билан фарк қилиб, анча юкори бахода сотилади. Кўйлари корабош, гавдаси ок бўлади. Бир-икки ёшдан кейин, буларнинг тирик вазни юз килодан ошади.

Бўрдокичилар шу Юлдуз кўйидан бокадилар. Жуни нихоятда майин бўлади. Ва яна Юлдуз ерларида сугур жуда кўп. Буни уйгурлар кўлда ясаган милтик билан отиб овлайдурлар. Сугурни овлаш мавсуми майдан августгача бўлиб, ундан кейин инига кириб кетадур. Ов қилиш натижасида хамма мерган бўлиб, ўк-дориларини ўзлари ясаб оладилар. Ўкка кўргошин дорисини ёғоч кўмири ва шўрдан тайёрлар эканлар. Қайси уйга кирсангиз, шу уйда сугур мўйнасини кўрасиз. Ва яна ерига хаддан ташқари кўп кўзикорин чиқар экан. Буни хитойлар “мўгу” деб ёктирар экан. Коп-коп қилиб териб, қуришиб, яхши пулга сотар эканлар.

Биз борган пайт яйлов вақти бўлиб, кимизлари жуда кучли, халки тамоми билан калмоқ эди. Ўзларининг айтишларича, калмоқнинг турговут уругидан, бу ерта Астрахандан келган эканлар. Отамизнинг айтишларича, Амир Темурдан қочиб Юлдузга келганлар. Аҳоли олтмиш беш сумул(Аҳолиси юзга яқин бўлган қишлоқ (мўнг.)), уларда юзбоши бўлиб, уни “занги” дер экан. Зангилари “укурдай”га қарар экан, яъни мингбошига. Мингбошилари хонга итоат қилар экан. Хон турган жойи Бўйинбулоқда бўлиб, уни “ургай” деб атар эканлар. Дубан халқни турганда буларнинг хонини ва бошка обрўлик одамларини қамаб, молларини мусодара қилган.

Биз борганимизда қуралари, яъни ибодатхоналарининг ҳаммаси қизил уйлар, қирқ-эллик чўнг ўтовдан иборат бўлиб, буларнинг ўз олдларига 100-200 минг кўйи, 10-20 минг қорамоли бўлиб, шу чорва билан роҳиб ва талабалари таъминланар экан. Булар уйланмас, анча озода, аммо қолган раи-омм (оддий халқ - ред.) - қир ва идиш ювиш гўё гуноҳхисобланар экан. Яъни, тақвосизлик деб билар эканлар. Қийган қийимлари қуриб тушар экан. Пиёласини кўрдим, сирти-ичи қир билан қопланиб, пиёла қосага айланибдур. Буларга савдогарлар тараф-тарафдан ун, туз, қой, қийим-кечак ва бошка турли хил емак-ичмақлар олиб қелиб таъмин қиладилар ва ўрнига йилқи, қўй ва бошка чорва маҳсулотлари оладилар. Калмоқлар сугур гўшти еб, терисини яхши баҳо билан савдогарлар олиб борган нарсаларга айрибош қиладилар. Булар ҳеч бир нарсани излаб юрмайди, уларда бозор йўқ, нима керак бўлса, уйларига етказиб берилади. Ўзлари ёзда сутдан қайнатиб арок олиб, ҳар қуни маст ҳолда от қопиб юриб, бир-бирларига бориб арок ичадилар. Булардан биров ўлса роҳибларига бориб қитоб очқизар эканлар. “Қуйдир” деса қуйдирар экан ёки “Итга ташла” деса, бир нарсага ўраб итга ташлар эканлар.

Буларда ер ҳайдаш гуноҳ бўлармиш. Буларнинг қўйларини қўйчилар бокмас экан. Бир овул билан бошка овул оралигига ҳайдаб қўяр эканлар. Итлари қўйлари билан бирга юриб, йирок-йироклардан кўриниб турар экан. Кечга яқин қўй эгаларидан биттаси от билан қопиб бориб, қўйларни ўз овули томонига буриб ташлаб, ўзи яна қопганича чиққан жойига қайтиб қелиб ётар эди.

Буларда тириклик учун ҳеч қандай ҳаракат йўқ. Ўзларининг ичларида ўғри йўқ. Сиртдан

Ўгри келиб ҳеч нарса оломайди. Чунки буларнинг итлари одам еб ўрганган бўлиб, унинг устига жуда ҳам бахайбат, хаммаси кора рангда. Савдогарлар у ерга факат кундузлари борадилар. Борганда ҳам яхши от устида камчининг учига темир гайка боглаган бўлиб, шу билан ит хужумидан сакланиш мумкин. Бўлмаса, от-поти билан ағдариши ҳеч гап эмас. Шундай килиб, ҳамма нарса булар учун мухайё, табиат бойлиги орасида ҳаёт учун курашмасдан яшайдилар. Ҳеч нарсани ўйламай, ҳар куни арок ичиб, маст бўлиб, кундан-кунга тухумлари озайиб бормоқда. Бутун Юлдузда 65 сумул бўлиб, буларда 6,5 минг калмок яшар экан. Ўқув-ўқитиш ўз эътикодларича бўлиб, янги маорифдан ҳеч нарса йўқ.

Алихонтўра Соғунийнинг
"Туркистон кайгуси" китобидан